

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АКАДЕМИК М.МИРЗАЕВ НОМИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК,
УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

АКБАРАЛИЕВ ИСЛОМБЕК РАХИМБЕРДИЕВИЧ

ЁНҒОҚ (*Juglans regia L.*) НАВЛАРИНИНГ ХЎЖАЛИК-БИОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ ҲАМДА КЎЧАТ ЕТИШТИРИШДА
ЎҒИТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

06.01.07 – мевачилик ва узумчилик

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2023

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on agricultural sciences**

Акбаралиев Исломбек Рахимбердиевич

Ёнғоқ (*Juglans regia* L.) навларининг хўжалик-биологик хусусиятларини ўрганиш ҳамда кўчат етиштиришда ўғитларнинг таъсири 3

Акбаралиев Исломбек Рахимбердиевич

Изучение хозяйственно-биологических особенностей сортов ореха грецкого (*Juglans regia* L.) и влияние удобрений на выращивание саженцы 19

Akbaraliev Islombek Rakhimberdievich

Study of economic and biological characteristics of walnut (*Juglans regia* L.) varieties and the effect of fertilizers on seedling cultivation 36

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ 39
List of published works

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АКАДЕМИК М.МИРЗАЕВ НОМИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК,
УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

АКБАРАЛИЕВ ИСЛОМБЕК РАХИМБЕРДИЕВИЧ

ЁНҒОҚ (*Juglans regia L.*) НАВЛАРИНИНГ ХЎЖАЛИК-БИОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ ҲАМДА КЎЧАТ ЕТИШТИРИШДА
ЎҒИТЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

06.01.07 – мевачилик ва узумчилик

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2023

Кишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори (PhD) Диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2021.1.PhD/Qx733 -рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик (PhD) Диссертацияси Академик М.Мирзасев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва
виночилик илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-
саҳифасида (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz)
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Исламов Соҳиб Яхшибекович кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Султонов Камолитдин Садриддинович кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Жўраев Эркин Бахтиёрлович кишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори
Етакчи ташкилот:	Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги
DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил 30 август соат 9:00 даги
мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент. Университет кўчаси, 2-уй. Тел.:(+99871)
260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр
университети Маъмурий биноси, 1-кават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида
танишиш мумкин (№ 549153-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент,
Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот ресурс маркази биноси.
Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2023 йил 16 август куни тарқатилади.
(2023 йил 09 августдаги №51-рақамли реестр баённомаси).



Э.Т. Бердиев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.х.ф.д.,
профессор

М.З. Холмуротов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д.,
доцент

С.А. Юнусов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, к.х.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Грек ёнғоғи (*Juglans regia* L.) – бутун дунё бўйлаб кенг тарқалган, мўътадил ва субтропик иқлим зоналарида етиштириладиган қишлоқ хўжалиги экинлардан ҳисобланади. ФАО маълумотларига кўра, дунёда 3758,6 минг тонна грек ёнғоғи ишлаб чиқариш ҳиссаси Осиёда – 58,1 %, Америкада – 25,8 % ва Европада – 14,7 % ни ташкил этиб, асосий ишлаб чиқарувчилар Хитой (1 785,9 минг т.), АҚШ (607,8 минг т.), Эрон (405,3 минг т.), Туркия (190,0 минг т.), Мексика (141,8 минг т.), Украина (107,9 минг т.) ва Чили (73,5 минг т.) давлатлари ҳисобланади¹. Ўзбекистонда 2022 йилда грек ёнғоғи етиштириладиган умумий майдони 13,2 минг гектар, ялпи ҳосил 55 497 тонна ва ҳосилдорлик 9,4 т/га ни ташкил қилмоқда. Дунёда грек ёнғоғи тўйимли озиқ-овқат маҳсулоти бўлганлиги ва инсон саломатлиги учун мағизи таркибида фойдали элементлар мавжудлиги ҳамда ишлаб чиқариш саноатида ёғочидан кенг фойдаланилганлиги сабабли етиштириб келинмоқда.

Дунёда грек ёнғоғи навлари ассортиментини кенгайтиришда шунингдек, озиқ-овқат ҳамда қайта ишлаш корхоналарини хом ашё билан таъминлашда АҚШда саноатбоп паст бўйли, Хитой ва Эронда йирик мевали, Россия, Қирғизистон, Грузия, Арманистонда совуққа чидамли ва серҳосил навларини яратиш, шунингдек, мева ва кўчатларини етиштириш технологияси бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги вақтда республикамызда саноат ва аҳолининг грек ёнғоғига бўлган талабларини тўла қондиришга стратегик ёндашиб, бир қатор режалар ишлаб чиқилиб, жумладан, тоғли ва тоғолди ҳудудларда саноат асосида, янги ёнғоқзорлар барпо қилиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ, интенсив технологиялар асосида ёнғоқзорлар майдонларини кенгайтириш ва ҳосилдорлигини оширишда агротехникага алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ўзбекистон Республикасининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказишда, айниқса, 2026 йилга бориб озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини 7,4 млн тоннага, қайта ишлаш даражасини мева-сабзавот бўйича 28 фоизга етказиш”га алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, асосий кўрсаткичлар ва индикаторларига асосан ёнғоқмевалилар (писта, ёнғоқ) майдонини 11634 гектардан 2021 йил 10 %, 2025 йилда 15 %, 2030 йилда 18 % гача ошириш белгиланган. Бу борада, Ўзбекистонда грек ёнғоғи навларининг ассортиментини кенгайтириш, юқори маҳсулдор навларни танлаш ва уларнинг кўчатларини етиштириш технологиясини такомиллаштириш долзарб илмий йўналиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сон «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони;

¹ FAOSTAT Statistics Database. FAO, Rome, Italy. <http://www.fao.org>.

2017 йил 1 июндаги ПҚ-3025-сон «Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ҳамда 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сон «Мева-сабзавот-чилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада кўшилган қиймат занжирини яратишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, бу соҳада қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг асосий устувор йўналишларга боғлиқлиги. Мазкур диссертация мавзуси бўйича белгилаб олинган мақсад ва вазифалари республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Грек ёнғоқнинг ёнғоқ навларини яратиш ва морфо-биологик ва қимматли хўжалик белгиларини ўрганишда А.Ветманн, Р.Н.Веде, Ж.К.Нэсей (АҚШ), Д.И.Прутенским, П.П.Бадалова, Ф.И.Сергеенкова, Н.И.Семенова, А.А.Петросяна, Н.А.Тхагушева, П.В.Кузнецова, И.М.Балапанов, Ю.Ф.Станиславский, А.П.Огиенко, (Россия), Ф.Л.Щепотьев, А.Д.Маяцк, А.А.Ревина (Украина), П.П.Дорофеева, И.Г.Команич (Молдавия), А.И.Кулиев, А.П.Вандина (Азербайжан), Н.И.Кичунов, Л.Х.Хашбе (Абхазии), В.С.Шевченко, А.Ф.Зарубина (Қирғистон), И.Г.Караева (Тожикистон), ёнғоқни юқори ҳосилдор нав ва дурагайлари танилашда З.А.Ибрагимов, А.И.Кулиев (Азәрбажан), Р.Э.Лойко (Белоруссия), А.А.Рихтер ва А.А.Ядрова (Қирғистон), ёнғоқ кўчатларини етиштириш технологиясини такомиллаштиришда В.И.Канивец, А.Коваль, Д.Е.Морозов, Д.В.Потанин, А.С.Судак, В.А.Славский (Россия), С.Ю.Хохлов (Украина), Д.К.Мамаджанов (Қирғистон)лар илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Ўзбекистонда грек ёнғоғининг маҳаллий навини яратишда С.С.Калмыков (1957 й) ва В.М.Ровский, навларни танлаш ҳамда етиштириш технологиясини ишлаб чиқишга оид тадқиқотлар Е.А.Бутков, А.А.Абдурасулов (2006 й), Ж.Н.Файзиев, К.С.Абдуллаев (2018-2020 й), грек ёнғоқ кўчатларини пайвандлашга оид тадқиқотлар С.Н.Гиязов (1987 й), Ўрта осиеда табиий ҳолда ўсувчи ёнғоқзорларни ўрганишга оид тадқиқотлар Ш.Камалов (1988 й), М.Т.Тўйчиевлар (1959 й) томонидан бажарилган.

Мазкур тадқиқотлар натижаси “Идеал”, “Бостанлыкский”, “Тонкоскорлупный”, “Юбилейный” навлари яратилган. Ўзбекистонда охириги 30 йилда грек ёнғоғи навларини танлаш ва кўчат етиштириш технологиясини такомил-лаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари етарлича амалга оширилмаган. Шу муносабат билан ушбу диссертация мавзуси доирасида илмий тадқиқотлар ўтказиш долзарб ҳисобланди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик,

узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти илмий ишлар режасидаги № МВ-КХ-А-КХ-2018-253 “Республиканинг турли ҳудудлари шароитида грек ёнғоғини парваришлаш ва сифатли маҳсулот етиштиришнинг самарали агротехникасини ишлаб чиқиш ҳамда маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб бериш тизимини такомиллаштиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари” (2018-2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади грек ёнғоғи навларининг хўжалик-биологик хусусиятларини тадқиқ этиш, истиқболли навларни танлаш ҳамда стандарт кўчат тайёрлашда мақбул ўғитлаш меъёрларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

грек ёнғоғи навларининг хўжалик-биологик хусусиятларини ўрганиш асосида истиқболли навларни танлаш;

юқори морфологик ва биокимёвий кўрсаткичли ҳамда касалликларга чидамли грек ёнғоғи навларини аниқлаш;

ҳосилдор грек ёнғоғи навларини ажратиш;

стандарт грек ёнғоғи кўчатларини етиштиришда мақбул ўғитлаш меъёрларини белгилаш;

грек ёнғоғи кўчатларини вегетатив усулда кўпайтиришда мақбул пайвандлаш усуллари ва муддатларини аниқлаш;

грек ёнғоғи навларини танлаш ва ўғитлаш стандарт кўчат етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги грек ёнғоғининг Ўзбекистонда районлаштирилган “Идеал” (st), “Бостанлыкский”, “Тонкоскорлупный”, “Юбилейный”, интродукция қилинган “Гвардейский”, “Гиссарский”, “Гроздевидный”, “Мирный”, ҳамда маҳаллий селекцияга мансуб “Гибридный”, “Истиқлол”, “Казахстанский”, “Консайский”, “Панфиловец”, “Пионер” ва “Родина”, “Узбекский скороплодный” навларининг дарахтлари, меваси ва ҳосилдорлиги хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб грек ёнғоғи навлари кўчатларини етиштиришда назорат (ўғитсиз); маҳаллий ўғит (30 т) – Фон; Фон + $N_{120}P_{60}K_{30}$ кг/га ва Фон + $N_{60}P_{30}K_{15}$ кг/га + маҳаллий ўғит (10 т) ўғитлаш меъёрларида уруғ ниҳол ва 2-ёшли кўчатларини ўсиши динамикаси, илдиз тизими ҳамда кўчатларни сифат кўрсаткичлари ҳисобланди.

Тадқиқот усуллари. Дала тажрибалари “Программа и методика сортоизучения плодовых, ягодных и орехоплодных культур” (Орел 1999), “Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси” (Буриев Х.Ч., ва бошқа., 2014), биокимёвий таҳлилларни аниқлашда “Методы биохимического исследования растений” (Ермакова А.И. ва бошқа., 1987), навларнинг кўчатларини ва бир йиллик новдаларини ўсиш динамикасини аниқлашда (Витковский В.Л., 2003), илдиз тизими ўрганишда (Колесников В.А., 1972), Касалликлар билан зарарланиш даражасини аниқлашда Чумаков ва бош. (1974) зараркунанда билан зарарланиш даражасини аниқлашда “Ўсимлик-ларни зараркунандалардан уйғунлашган ҳимоя қилишнинг замона-вий усул ва воситалари” (Хўжаев Ш.Т., 2015) каби услубий қўлланмалар асосида олиб борилди, тадқиқот

натижаларининг статистик таҳлили «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурида, 0,95% ишончлилик оралиғи билан «Методика полевого опыта» (Доспехов Б.А., 1985) дисперсион усули бўйича ҳисобланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Тошкент вилоятининг тоғ ва тоғолди минтақалари шароитида грек ёнғоғини 16 та навларининг хўжалик-биологик белгилари асосида серҳосил Казахстанский, Панфиловец ва Мирный навлари ажратиб олинган;

грек ёнғоғининг йирик мевали – Пионер навида (48,5×38,1 мм), Казахстанский (47,8×37,3 мм) ва Родина (46,1×36,9 мм), юпқа пўчоқли – Узбекский скороплодный (1,0-1,1 мм), мағзи серёғли – Казахстанский (72,3 %) ва Узбекский скороплодный (72,6 %), юқори қандли – Идеал (4,6 %), Узбекский скороплодный (4,6 %) ва Пионер (4,5 %) ҳамда касалликларга чидамли Казахстанский, Истиклол ва Гибридный навлари аниқланган;

тоғли ва тоғолди ҳудудларда грек ёнғоғининг Казахстанский навидан 18,6 ц/га, Панфиловес навидан 19,2 ц/га ва Мирный навидан 19,4 ц/га ҳамда саноат плантацияларида – Узбекский скороплодный навидан 16,6 ц/га ҳосил олишга эришилган;

стандарт грек ёнғоғи кўчатларини етиштиришда $N_{60}P_{30}K_{15}$ кг (соф ҳолда) ва 10 тонна маҳаллий ўғит қўллаш мақбул меъёр эканлиги илмий асосланган;

ёнғоқ навлари кўчатларини пайвандлаб кўпайтиришда мақбул муддатлар искана усулида – 10-март, пўстлоқ тагига қаламча усулида – 30-апрель ҳамда халқасимон куртак усулида – 10-август эканлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Тошкент вилоятининг тоғли ва тоғолди минтақалари шароитига серҳосил “Казахстанский” (18,6 ц/га), Панфиловец (19,2 ц/га) ва Мирный (19,4 ц/га) навлари ҳамда саноат плантацияларига Узбекский скороплодный (16,6 ц/га) навлари танланган;

йирик мева ўлчами Пионер (48,5×38,1 мм), Казахстанский (47,8×37,3 мм) ва Родина (46,1×36,9 мм) ҳамда юпқа пўчоқли Узбекский скороплодный” (1,0-1,1 мм) навида эканлиги аниқланган;

юқори мағиз чиқиши Гвардейский (57,5 %), Тонкоскорлупный (54,6 %) ва Узбекский скороплодный (54,5 %) навларидан, энг юқори ёғлилик ва қандлилик Узбекский скороплодный (72,6 ва 4,6 %) ва Казахстанский (72,3 ва 4,4%) навларида аниқланган;

кўнғир доғланиш (марссониноз) касаллигига чидамли навларни яратишда бирламчи материал сифатида Казахстанский, Истиклол ва Гибридный навлари мос келиши илмий асосланган;

стандарт кўчат чиқиши Идеал (79,6 минг дона), Тонкоскорлупный (67,3 минг дона), Бостанлыкский (62,8 минг дона) ва Родина (62,1 минг дона) навларида $N_{60}P_{30}K_{15}$ кг (соф ҳолда) ва 10 тонна маҳаллий ўғит солиш натижасида эришилган.

энг баланд бўйли грек ёнғоғи кўчатлари пайвандлашнинг искана усулида – 10 мартда 152,4 см, пўстлоқ тагига қаламча усулида – 30 апрелда 143,4 см ҳамда халқасимон куртак усулида – 10 августда 104,8 см ўсганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги дала тажрибалари

мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилиб баҳоланганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келганлиги, ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, кузатилган қонуниятлар ва олинган ҳулосаларнинг мослиги, тажриба натижалари халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, ҳамда маҳаллий ва хорижий нашрларда чоп этилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тоғ ва тоғолди ҳудудларда саноат плантацияларига серҳосил грек ёнғоғининг навларини танланганлиги ҳамда кўчатларни тайёрлашда мақбул ўғитлаш меъёрларида ўсимликларни ўсиш ва ривожланиш босқичларини ўтиши ўрганилганлиги, ёнғоқ (*Juglans regia* L.) навларининг муҳим қимматли белгилари ўртасида корреляцион боғлиқликни илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тоғ ва тоғолди ҳудудларда саноат плантацияларига серҳосил грек ёнғоғи навлари танланганлиги, кўчат етиштиришда мақбул ўғитлаш меъёрлари аниқланганлиги ҳамда илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилганлиги ва фермер хўжаликларда жорий этилганлигини билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ёнғоқ (*Juglans regia* L.) навларининг хўжалик-биологик хусусиятларини ўрганиш ҳамда кўчат етиштиришда ўғитларнинг таъсири бўйича тадқиқотлар натижасида:

«Ёнғоқ (*Juglans regia* L.) навларининг хўжалик-биологик хусусиятлари ҳамда кўчат етиштириш технологияси бўйича тавсиянома» тасдиқланган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 6 сентябрдаги 07/33-04/6267-сон маълумотномаси) Натижада ушбу тавсиялар бугунги кунда саноат плантацияларида, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа эгалари экин майдонларида грек ёнғоғини етиштириш ва ундан юқори ҳосил олишда қўлланма сифатида фойдаланилмоқда;

танлаб олинган грек ёнғоқнинг серҳосил “Идеал”, “Бостандыкский”, “Родина Гроздевидный”, “Тонкоскорлупный” навлари Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги “Эргаш Махкам Хусниддин” фермер хўжалигининг 0,5 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 6 сентябрдаги 07/33-04/6267-сон маълумотномаси). Натижада ёнғоқнинг Идеал нави мевасининг йириклиги, ёғлилиги ҳамда қандлилиги энг юқори (12,3 г; 69,7%; 3,9%) бўлиб, гектаридан иқтисодий самарадорлик 117,4 % ва даромад 17386,5 минг сўмни ташкил қилган.

грек ёнғоғи кўчатларини етиштириш ишланмаси Тошкент вилояти Бекобод туманидаги “Жабборов А” фермер хўжалигининг 0,30 гектар майдонида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 6 сентябрдаги 07/33-04/6267-сон маълумотномаси). Натижада, грек ёнғоғи кўчатини N₆₀P₃₀K₁₅ кг/га + 10 т маҳаллий ўғит қўллашда сандарт кўчатларни чиқиши 89,5 % ёки гектаридан даромад 92000 минг сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий ишлар нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган маҳаллий илмий нашрларда 4 та, хорижий журналларда 1 та, халқаро конференцияларда 2 та ва республика илмий-амалий анжуманлари материалларида 3 та тезислар ҳамда 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида Диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг Диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ёритилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги тўғрисида маълумотлар, Диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Ёнғоқнинг (*Juglans regia L.*) аҳамияти, биологик хусусиятлари ва кўчат етиштириш технологиясини ўрганилганлиги (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида тадқиқот мавзуси бўйича хориж ва республикамиз олимларининг ушбу мавзуда олиб борган илмий тадқиқотлари ва адабий манбалари шарҳланган. Жумладан, грек ёнғоғининг халқ хўжалигидаги аҳамияти ва озуқавий қиймати, келиб чиқиши ва классификацияси, морфо-биологик характеристикаси, ташқи муҳит омилларига муносабати ҳамда кўчатларни етиштириш технологиялари бўйича адабиётлар маълумотлари тавсифланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиш жойи шароити ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот мавзуси юзасидан дала тажрибалари олиб борилган жойнинг тупроқ-иқлим шароити, тадқиқот мақсади, объекти ҳамда тажрибаларни ўтказиш услублари тавсифланган. Хусусан, ушбу бобнинг «Тадқиқотни ўтказиш дастури» бўлимида ишлаб чиқилган мавзунинг мақсади, вазифалари, тадқиқот объектлари, дала тажрибалари ва лаборатория таҳлилларини олиб бориш услублари, тажриба грек ёнғоғи навлари хўжалик-биологик хусусиятлари ўрганиш ҳамда кўчат етиштиришда ўғитларнинг таъсирида фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, шунингдек тажриба маълумотларига математик ишлов бериш тартиблари баён этилган.

Диссертациянинг «Грек ёнғоғи (*Juglans regia L.*) навларининг хўжалик-биологик хусусиятларини ўрганиш» деб номланган учинчи бобида грек ёнғоғи навларининг куртак ёзиш (25-30/III), гуллаши (05-16/IV), новдаларни ўсиши (29/III-14/VI), мева пишиши (09/VIII-10/X), барглари хазонрезгилиги (10/IX-29/X) ва вегетация даврини тугаши фазаларида мутаносиб равишда 43,6°C, 80,7°C, 237,0°C, 504,6°C, 540,9°C ва 550,1°C фаол фойдали ҳарорати йиғиндисини талаб этилиши аниқланди.

Грек ёнғоғининг Идеал (st) навига нисбатан Узбекский скороплодный навида дарахт бўйи – 84,0 см (7,8 %), танаси – 1,9 см (1,5 %) баланд шаклланган бўлса, аксинча дарахт танаси диаметри – 13,4 см (2,7 %) кичик бўлганлиги аниқланди. Бошқа грек ёнғоғи навларда Идеал (st) навига нисбатан мутаносиб равишда 461,0-394,7; 46,8-24,6 ва 19,0-3,6 см юқори бўлди.

Шох-шаббаларнинг баландлиги ҳамда қатор ва қатор оралиғидаги кенглиги Идеал (st) навига нисбатан мутаносиб равишда 430,5-348,3; 154,0-48,0 ва 141,3-18,0 см юқори бўлган бўлса, Узбекский скороплодный навида – 9,4; 19,5 ва 12,4 % ихчам шох-шабба шаклланганлиги аниқланди.

Шох-шабба проекцияси Идеал навига (5,9 м²) нисбатан Узбекский скороплодный навида 3,4 % (0,2 м²) кенгрок, аксинча 2,4-8,0 м² ёки 40,7- 235,6 % оралиғида қатта бошқа навларда бўлган бўлса, кичик шох-шабба хажмли Идеал навига (51,7 м³) нисбатан 6,4 м³ кенгрок Узбекский скороплодный (58,1 м³) навида, бошқа навларда эса 309,9-345,8 % жуда кенг шох-шабба хажмли бўлганлиги аниқланди.

Кичик барги бўйи×эни (14,8×9,1 см) ва сатҳи (135,0 см²) Узбекский скороплодный навида, энг сийрак бир туп дарахт ва бир гектардаги барг сатҳи Узбекский скороплодный (56,9 м² ва 5687,3 м²) ва Пионер (76,3 м² ва 7327,4 м²) Узбекский скороплодный ва Пионер навларида, 1 кг мевага тўғри келувчи энг кам барг сатҳи Узбекский скороплодный (3,4 м²), Қазақстанский (4,1 м²) ва Пионер (4,1 м²) навларида шаклланди.

Йирик мева ўлчами Пионер (48,5×38,1 мм), Қазақстанский (47,8×37,3 мм) ва Родина (46,1×36,9 мм) навлари бўлган бўлса, Идеал навидан бошқа навларга нисбатан юққа пўчоқ қалинлиги Узбекский скороплодный (1,0-1,1 мм) навида эканлиги аниқланди (1-жадвал).

Грек ёнғоғининг Тонкоскорлупный (9,5 г) ва Узбекский скороплодный (10,6 г) навлари мева вазни энгил ҳамда Қазақстанский (14,1 г) ва Мирный (15,1 г) навлари оғир мева вазни бўлган бўлса, энгил мева мағизли Тонкоскорлупный (5,21 г) ва оғир мева мағизли Гвардейский (7,51 г) ва Мирный (7,88 г) навлари эканлиги аниқланди.

Юқори мағиз чиқиши Гвардейский (57,5 %), Тонкоскорлупный (54,6 %) ва Узбекский скороплодный (54,5 %) навларида бўлиб, пўчоқ:мағиз нисбати (мутаносиб равишда) 1:1,35; 1:1,20 ва 1:1,20 ни ташкил қилди.

Грек ёнғоғи меваси мағизидан энг юқори ёғлилик ва қандлилик Узбекский скороплодный (72,6 ва 4,6 %) ва Қазақстанский (72,3 ва 4,4%) навларида намоён бўлди.

Грек ёнғоғи навлари меваларининг сифат кўрсаткичлари (2020-2022 йй.)

Навлар номи	Мева бўйи×эни, мм	Пўчоқ қалинлиги, мм	Мева вазни, г	Мағиз оғирлиги, г	Меванинг таркибий қисми, %		
					пўчоғи	мағизи	нисбати
Идеал (st)	34,4×26,2	0,8-0,9	10,8±0,8	5,49±0,38	49,2	50,8	1:0,94
Бостанлыкский	38,2×27,6	1,4-1,5	13,6±0,9	6,58±0,46	51,5	48,5	1:0,86
Тонкоскорлупный	46,0×37,0	0,8-1,0	9,5±0,7	5,21±0,36	45,4	54,6	1:0,90
Юбилейный	45,2×36,4	1,0-1,2	11,8±0,8	5,96±0,41	49,6	50,4	1:0,95
Гвардейский	38,9×29,5	1,3-1,4	13,1±0,9	7,51±0,52	42,5	57,5	1:0,91
Гибридный	40,1×26,9	1,1-1,2	12,1±0,8	6,22±0,43	48,7	51,3	1:0,98
Гиссарский	35,6×27,1	1,3-1,4	13,8±1,0	6,38±0,44	53,9	46,1	1:1,02
Гроздевидный	36,8×28,3	1,1-1,2	11,8±0,8	5,60±0,39	52,7	47,3	1:1,03
Истиклол	35,7×26,4	1,0-1,2	11,5±0,8	5,93±0,41	48,6	51,4	1:1,05
Казахстанский	47,8×37,3	1,3-1,4	14,1±1,0	6,88±0,48	51,3	48,7	1:1,06
Консайский	34,1×29,1	1,1-1,2	12,9±0,9	6,12±0,43	52,4	47,6	1:1,09
Мирный	35,5×28,8	1,1-1,2	15,1±1,0	7,88±0,55	47,9	52,1	1:1,10
Панфиловец	37,4×30,2	1,3-1,4	13,6±1,0	7,11±0,50	47,7	52,3	1:1,12
Пионер	48,5×38,1	1,4-1,5	13,1±0,9	6,90±0,48	47,2	52,8	1:1,20
Родина	46,1×36,9	1,4-1,5	12,5±0,9	6,17±0,43	50,5	49,5	1:1,20
Узбекский скороплодный	35,7×28,4	1,0-1,1	10,6±0,9	5,78±0,40	45,5	54,5	1:1,35
ЭКФ _{0,5}	0,93	-	0,28	0,14	-	-	-
Sx %	2,67	-	2,26	2,27	-	-	-


Грек ёнғоғи навларида кўнғир доғланиш (марссониноз) касаллиги тарқалиши Идеал (st) навида – 72,7 % ни намоён қилиб, стандарт навга нисбатан энг кам тарқалиш – Казахстанский (23,9 %), Гибридный (32,0 %) ва Узбекский скороплодный (32,6 %) навларда, кўп тарқалиш эса Родина (73,6 %) ва Панфиловец (82,9 %) навларида эканлиги аниқланди. Шунингдек, касалликни ривожланиши Идеал (st) навида – 29,7 % ни ташкил қилиб, стандарт навга нисбатан энг кам ривожланиш даражаси Казахстанский (4,7 %), Истиклол (4,8 %) ва Гибридный (5,4 %) навлари бўлиб, кўп ривожланиш эса – Пионер (31,0 %) ва Панфиловец (31,5 %) навларида бўлди.

Грек ёнғоғининг Гибридный, Истиклол ва Казахстанский навлари – чидамли (0,1-2,0), Бостанлыкский, Тонкоскорлупный, Юбилейный, Гиссарский, Гроздевидный, Консайский, Мирный ва Узбекский скороплодный навлари – нисбатан чидамли (2,1-10,0), Гвардейский ва Родина навлари – ўртача чидамсиз (10,1-20,0) ҳамда Идеал (st), Панфиловец ва Пионер навлари эса – чидамсиз (20,1-30,0) касаллик индексини намоён қилди.

Грек ёнғоғи навларидан кўнғир доғланиш (марссониноз) касаллигига чидамли Казахстанский Истиклол ва Гибридный навлари эканлиги аниқланди. Шу сабабли, грек ёнғоғининг янги навларини яратишда касалликка чидамли ушбу навларидан бирламчи материал сифатида фойдаланиш мумкин.

Грек ёнғоғи навлари меваларини ёнғоқ мевахўри билан зарарланиши ўрганилганда Идеал (st) навида – 11,5 % ташкил қилиб, стандарт навга нисбатан энг зарарланиш даражаси Узбекский скороплодный навида (9,9 %) бўлган бўлса, юқори зараркунанда билан зарарланиш Консайский навида (12,2 %) бўлди. Шунингдек, грек ёнғоғининг 5 та навларида, жумладан Истиклол (10,5 %), Пионер (10,5 %), Родина (10,7 %), Юбилейный (10,8 %) ва Гибридный

(10,9 %) навларида Идеал (st) навига нисбатан 0,6-1,0 % оралиғида кам зарарланган бўлса, аксинча Мирный (11,6 %), Гроздевидный (11,7 %), Казахстанский (11,7 %), Панфиловец (11,7 %) ва Гвардейский (11,8 %) навларида 0,1-0,3 % га кўпроқ зарарланлиги аниқланди (1-расм).



1-расм. Грек ёнғоғи навларини касаллик ва зараркундалар билан зарарланиш даражаси (2020-2022 йй.)

Бир туп дарахтдаги энг кўп мева сони Узбекский скороплодный (1592,7 дона) навида бўлган бўлса, Гвардейский (1347,0 дона) ва Гиссарский (1359,3 дона) навларида кам мева сони шаклланганлиги аниқланди.

Бир туп дарахтдан энг юқори ҳосил Казахстанский (20,1 кг) ва Мирный (21,6 кг) навларида, аксинча энг кам ҳосил Тонкоскорлупный (13,5 кг) навида бўлди. Бир гектар майдондан энг юқори ҳосилдор Казахстанский (18,6 ц/га), Панфиловец (19,2 ц/га) ва Мирный (19,4 ц/га) навлар, аксинча кам ҳосилли Тонкоскорлупный (12,3 ц/га), Юбилейный (15,6 ц/га) ва Истиклол (15,8 ц/га) навлари эканлиги аниқланди (2-жавдал).

Грек ёнғоғи навларидан юқори рентабеллик Мирный (152,7 %), Панфиловец (150,6 %), Казахстанский (144,3 %), Пионер (138,0 %), Бостанлыкский (136,9 %), Гиссарский (133,7 %), Консайский (131,6 %), Родина (130,5 %), Гвардейский (122,9 %), Узбекский скороплодный (122,9 %) ва Гибридный (119,6 %) навларида эканлиги маълум бўлди.

Диссертациянинг «Грек ёнғоғи (*Juglans regia* L.) кўчатларини етиштиришда мақбул ўғитлаш меъёрини аниқлаш ва такомиллаштириш» деб номланган тўртинчи бобининг “Грек ёнғоғи уруғларига турли ишлов беришни уруғ ниҳолларни чиқишига таъсири” парагрифида грек ёнғоғи уруғ меваларига баҳорда уруғни стратификациялаб экишда фаол фойдали ҳарорат 80,7°C (ҳаво) ва 48,5°C (тупроқ) бўлганда 40 кунда (20/IV) ёки 84,2 % уруғ ниҳоллар униб чиққанлиги маълум бўлди.

Грек ёнғоғи навларининг ҳосилдорлиги (2020-2022йй)

Навлар номи	Бир туп дарахтдаги ҳосил, кг	Ҳосилдорлик, ц/га				St навга нисбатан, %
		2020 йил	2021 йил	2022 йил	ўртача	
Идеал (st)	15,3±1,06	16,4	16,9	15,1	16,1	100,0
Бостанлыкский	19,5±1,36	16,8	17,4	19,5	17,9	111,2
Тонкоскорлупный	13,6±0,94	12,4	11,6	12,8	12,3	76,2
Юбилейный	17,1±1,19	14,7	15,3	16,7	15,6	96,7
Гвардейский	17,6±1,23	16,5	15,8	17,5	16,6	103,1
Гибридный	17,8±1,24	15,1	16,6	17,1	16,3	101,0
Гиссарский	18,8±1,31	17,9	17,2	17,8	17,6	109,5
Гроздевидный	17,0±1,18	15,6	15,9	16,7	16,1	99,8
Истиклол	16,7±1,16	15,4	15,5	16,4	15,8	97,9
Казахстанский	20,2±1,40	18,2	18,5	19,1	18,6	115,5
Консайский	18,5±1,28	17,5	17,1	17,6	17,4	108,1
Мирный	21,6±1,50	19,1	18,8	20,3	19,4	120,5
Панфиловец	19,8±1,38	18,7	19,1	19,7	19,2	119,0
Пионер	18,8±1,31	18,2	17,7	18,1	18,0	111,8
Родина	18,4±1,27	17,8	16,6	17,6	17,3	107,7
Узбекский скороплодный	16,9±1,17	16,5	16,9	16,3	16,6	102,9
ЭКФ _{0,5}	0,38	0,34	0,34	0,36	0,33	-
Sx %	2,10	2,03	2,04	2,07	1,96	-

Грек ёнғоғи уруғ меваларини баҳорда уруғларни сувда намлаб экишда уруғ ниҳолларни униб чиқиши фаол ҳарорат йиғиндиси ҳавоники – 129,6°C ва тупрокники – 97,4°C бўлганда 60 кунда (10/V) назоратга нисбатан 32,4 % юқори бўлиб, уруғ ниҳолларнинг униб чиқиши 433,8 дона ёки 72,3 % намоён қилган бўлса, баҳорда уруғни стратификациялаб экишга қараганда 71,4 дона ёки 14,1 % кам бўлганлиги аниқланди (3-жадвал).

Грек ёнғоғининг “Идеал” нави уруғ меваларига турли ишлов беришда уруғ ниҳолларни униб чиқиши (2020-2021 йй)

Уруғларга ишлов бериш усуллари	Экиш муддати	Экилган уруғлар сони, дона	Фаол фойдали ҳарорат, °C		Уруғ ниҳолларни униб чиқиш			Назоратга нисбатан, %
			ҳаво	тупроқ	кун сана/ой	дона	фоиз	
Кузда уруғга ишлов бермасдан экиш (назорат)	20/X	600	145,0	167,3	$\frac{172 \text{ кун}}{10/IV}$	327,6	54,6	100,0
Баҳорда уруғни стратификациялаб экиш	10/III	600	80,7	48,5	$\frac{40 \text{ кун}}{20/IV}$	505,2	84,2	154,2
Баҳорда уруғларни сувда намлаб экиш	10/III	600	129,6	97,4	$\frac{60 \text{ кун}}{10/V}$	433,8	72,3	132,4


Таққосланаётган грек ёнғоғи уруғ меваларига турли ишлов бериш усулларида кузда уруғга ишлов бермасдан экиш (назорат)да уруғ ниҳолларни униб чиқиши фаол ҳарорат йиғиндиси ҳавоники – 145,0°C ва тупрокники – 167,3°C бўлганда 172 кунда (10/IV) бўлиб, уруғ ниҳолларнинг униб чиқиши 327,6 дона ёки 54,6 % ни ташкил қилди. Бу эса, баҳорда уруғни стратификациялаб экишга қараганда 177,6 дона (ёки 35,2 %) ҳамда баҳорда

уруғларни сувда намлаб экишдан – 106,2 дона (24,5 %) кам уруғ ниҳолларни униб чиқишни намоён қилди.

“Грек ёнғоғи (*Juglans regia* L.) кўчатларини етиштиришда мақбул ўғитлаш меъёрини аниқлаш” деб номланган параграфда грек ёнғоғининг Идеал нави уруғ меваси фаол фойдали ҳарорат 68,5°C (ҳаво) ва 48,5°C (тупроқ) – 25-28/IV, Тонкоскорлупный нави (117,4°C ва 97,4°C) – 01-05/V ҳамда Бостанлыкский ва Родина навлари (126,3°C ва 122,6°C) – 01-05/V уруғ ниҳоллари униб чиқиши аниқланди.

Грек ёнғоғининг Идеал навини 1-дала кўчатзорида $N_{60}P_{30}K_{15}$ кг/га + маҳаллий ўғитда (10 т) етиштирилган уруғ ниҳоллари бўйи бошқа навларга нисбатан 4,3-8,0 см, 2-дала кўчатзорида ҳам 2-ёшли кўчат бўйи 14,9-24,1 см баланд бўлганлиги аниқланди.

Грек ёнғоғи кўчатларини етиштиришда $N_{60}P_{30}K_{15}$ кг/га + маҳаллий ўғит (10 т) берилганда Идеал навининг 2-ёшли кўчатларини ўк (88,4 см), иккаламчи (45,9 см), учламчи (22,1 см) ва ён (19,4 см) илдизлари узунлиги ҳамда иккаламчи (21,5 дона), учламчи (14,1 дона) ва ён (34,6 дона) илдиз сони бўйича юқори кўрсаткичларни намоён қилди. Энг баланд кўчат бўйи Идеал (147,2 см), Тонкоскорлупный (126,9 см), Бостанлыкский (132,4 см) ва Родина (123,2 см) навларида $N_{60}P_{30}K_{15}$ кг (соф ҳолда) ва 10 тонна маҳаллий ўғит солинганда бўлиб, назоратга (ўғитсиз) нисбатан (мутаносиб равишда) – 81,6; 66,4; 75,0 ва 64,0 см баланд шаклланди (2-расм).



2-расм. Турли ўғитлаш меъёрларида етиштирилган грек ёнғоғи навлари кўчатлари бўйи ва тана эни (2021-2022 йй.)

Бир гектар майдондан энг юқори стандарт кўчат чиқиши Идеал (79,6 минг), Тонкоскорлупный (67,3 минг), Бостанлыкский (62,8 минг) ва Родина (62,1 минг) навларида $N_{60}P_{30}K_{15}$ кг (соф ҳолда) ва 10 тонна маҳаллий ўғит солинганда олинди (4-жадвал).

Бир гектардан навлараро энг юқори соф даромад ва рентабеллик Идеал навида гектарига $N_{60}P_{30}K_{15}$ кг/га (соф ҳолда) ҳамда 10 тонна маҳаллий ўғит

солиб етиштирилган кўчатларидан (658045,5 минг сўм ва 477,0 %) олинди.

4-жадвал

Турли ўғитлаш меъёрларида етиштирилган грек ёнғоғи навлари кўчатларининг чиқиш (2021-2022 йй.)

Ўғитлаш меъёри	Навлар номи	Кўчат чиқиши, минг дона/га				Стандарт кўчатнинг улуши, минг дона/га		
		2021 йил	2022 йил	ўртача	назоратга нисбатан, %	I-нав	II-нав	ностандарт
Назорат (ўғитсиз)	Идеал	65,6	64,8	65,2	100,0	0,0	6,6	58,5
	Тонкоскорлупный	57,8	56,5	57,2		0,0	5,8	51,3
	Бостанлыкский	57,4	59,4	58,4		0,0	6,0	52,5
	Родина	51,3	50,7	51,0		0,0	5,2	45,8
Маҳаллий ўғит (30 т) – Фон	Идеал	69,9	70,2	70,0	107,4	41,0	22,3	6,7
	Тонкоскорлупный	62,5	60,3	61,4	107,4	34,1	21,2	6,1
	Бостанлыкский	59,5	58,9	59,2	101,3	34,5	18,9	5,9
	Родина	56,9	54,6	55,7	109,2	34,3	16,2	5,2
Фон + N ₁₂₀ P ₆₀ K ₃₀ кг/га	Идеал	78,3	77,8	78,0	119,7	63,1	8,2	6,7
	Тонкоскорлупный	66,1	66,0	66,1	115,5	53,4	6,9	5,7
	Бостанлыкский	67,5	68,2	67,9	116,2	54,9	7,1	5,8
	Родина	60,5	59,6	60,1	117,8	48,6	6,3	5,2
Фон + N ₆₀ P ₃₀ K ₁₅ кг/га + Маҳаллий ўғит (10 т)	Идеал	83,1	82,9	83,0	127,3	68,4	11,2	3,4
	Тонкоскорлупный	71,2	69,2	70,2	122,8	57,9	9,5	2,9
	Бостанлыкский	65,1	65,8	65,5	112,0	53,9	8,8	2,7
	Родина	65,4	64,0	64,7	126,9	53,3	8,7	2,7
ЭКФ ₀₅		1,78	1,82	1,79	-	-	-	-
ЭКФ _%		2,74	2,83	2,78	-	-	-	-

“Грек ёнғоғи (*Juglans regia* L.) кўчатларини вегетатив кўпайтиришда мақбул пайвандлаш усуллари ва муддатларини аниқлаш” деб номланган бўлимчада грек ёнғоғининг маданилаштирилмаган грек ёнғоғини 2-ёшли кўчатларига “Идеал” навини искана усулида пайвандланганда 10 март муддатида – 10 кунда (20/III); пўстлоқ тагига қаламча усулида пайвандлашнинг 10 май муддатида – 8 кунда (18/V), куртак усулида пайвандлашда эса 10 августда – 8 кунда (18/VIII) бўлган бўлса, уларни тутиб кетиши мутаносиб равишда – 13,1; 15,1 ва 11,3 донани ташкил қилди. Яъни, грек ёнғоғи навларини энг юқори пайвандустларни тутиб кетиш искана усулида – 10 март (65,6 %), пўстлоқ тагига қаламча усулида – 10 май (75,3 %) ҳамда куртак усулида – 10 август (56,5 %) пайвандлаш муддатлари эканлиги аниқланди (5-жадвал).

Турли пайвандлаш усуллари ва муддатларида грек ёнғоғининг “Идеал” нави пайвандустларининг ўсиш динамикаси 1-дала кўчатзориди (май-октябр) энг юқори пайвандустларнинг ўсишни искана усулида – 10 март (5,6 см дан 45,5 см гача); пўстлоқ тагига қаламча усулида – 30 апрел (5,2 см дан 42,8 см гача) бўлганлиги аниқланди.

Турли пайвандлаш усуллари ва муддатларида 2-дала кўчатзориди грек ёнғоғининг “Идеал” нави пайвандустларининг ўсиш динамикаси (март-октябр), энг баланд кўчат баландлиги искана усулда 10 март пайвандлаш муддатида 152,4 см бўлиб, унга нисбатан пайвандлашнинг 20 март муддати 5,9 % ёки 9,0 см га паст шаклланганлиги аниқланди. Бироқ, 10 март пайвандлаш муддатида қараганда 44,6-52,3 % ёки 68,0-79,7 см га паст бўйли кўчатларни пайвандлашнинг 30 март ва 10 апрел муддатларида намоён бўлди.

Грек ёнғоғининг “Идеал” навини турли пайвандлаш усул ва муддатларида пайвандустларни тутиб кетиши ва ўсиши (2021-2022 йй.)

Пайвандлаш усуллари	Пайвандлаш муддати	Пайвандустни тутиб кетиши			Кўчатзорда пайвандустнинг ўсиши, см	
		сана/ой (кун)	дона	фоиз	1-дала	2-дала
Искана	10/III	20/III (10 кун)	13,1	65,6	45,5	152,4
	20/III	02/IV (12 кун)	10,4	52,1	42,8	143,4
	30/III	15/IV (15 кун)	4,2	20,8	25,2	84,4
	10/IV	01/V (20 кун)	2,1	10,5	21,7	72,7
Пўстлок тагига қаламча	30/IV	10/V (10 кун)	4,0	20,2	42,8	143,4
	10/V	18/V (08 кун)	15,1	75,3	40,2	134,7
	20/V	05/VI (15 кун)	10,2	50,8	23,5	78,7
	30/V	20/VI (20 кун)	3,2	15,8	20,1	67,3
Халқасимон куртак	30/VII	12/VIII (12 кун)	4,0	20,1	0,0	78,6
	10/VIII	18/VIII (08 кун)	11,3	56,5	0,0	104,8
	20/VIII	30/VIII (10 кун)	6,2	30,8	0,0	91,7
	30/VIII	12/IX (12 кун)	5,1	25,7	0,0	39,3

Пўстлок тагига қаламча усулида пайвандустларнинг март-октябр ойларигача ўсиш динамикаси кўра, пайвандлашнинг 30 апрел муддатида энг баланд бўйли кўчатлар (143,4 см) шаклланганлиги аниқланди. Ушбу муддатга қаранганда 6,1 фоизга ёки 8,7 см га кичик кўчат бўйи пайвандлашнинг 10 май муддатида бўлди. Энг паст кўчат бўйи пайвандлашнинг 20 май (78,7 см) ва 30 майда (67,3 см) муддатларида бўлди.

Халқасимон куртак усулида пайвандлашнинг 10 август муддатида энг баланд бўйли кўчатларни (104,8 см) шакллантирган бўлса, унга нисбатан 26,2 см кичик кўчат бўйини пайвандлашнинг 30 июл (78,6 см) муддатида намоён қилди. Шунингдек, 20 ва 30 август муддатида пайвандланган кўчатларнинг бўйи 91,7 ва 39,3 см ни ташкил қилди. Бу эса, 10 август муддатида қараганда 12,5..62,5 % га кам ўсганлиги аниқланди.

ХУЛОСА

1. Грек ёнғоғи навларининг куртак ёзиш (25-30/III), гуллаши (05-16/IV), новдаларни ўсиши 9/III-14/VI), мева пишиши (09/VIII-10/X), баргларни хазонрезгилиги (10/IX-29/X) ва вегетация даврини тугаши фазаларида мутаносиб равишда 43,6°C, 80,7°C, 237,0°C, 504,6°C, 540,9°C ва 550,1°C фаол фойдали ҳарорат ўтиши аниқланди.

2. Грек ёнғоғининг кичик дарахт бўйи (1081,3 см), танаси (128,5 см), танаси диаметри (122,9 см) ҳамда ихчам шох-шабба кенглиги (952,9; 259,7 ва 230,3 см), кичик шох-шабба проекцияси (6,1 м²) ва хажми (58,1 м³) Узбекский скороплодный навида шаклланганлиги аниқланди.

3. Кичик барги бўйи×эни (14,8×9,1 см) ва сатҳи (135,0 см²) Узбекский скороплодный, гектардаги энг сийрак барг сатҳи Узбекский скороплодный (56,9 м² ва 5687,3 м²) ва Пионер (76,3 м² ва 7327,4 м²), 1 кг мевага энг кам барг сатҳи Узбекский скороплодный (3,4 м²), Казахстанский (4,1 м²) ва Пионер (4,1 м²) навлари бўлди.

4. Йирик мева ўлчами Пионер (48,5×38,1 мм), Казахстанский

(47,8×37,3 мм) ва Родина (46,1×36,9 мм) ҳамда нисбатан юпка пўчоқли Узбекский скороплодный (1,0-1,1 мм) навларида аниқланди.

5. Мева вазни енгил – Тонкоскорлупный (9,5 г), Узбекский скороплодный (10,6 г) ҳамда мева вазни оғир – Казахстанский (14,1 г), Мирный (15,1 г), енгил мағизли – Тонкоскорлупный (5,21 г) ва оғир мағизли – Гвардейский (7,51 г), Мирный (7,88 г), юқори мағиз чиқиши – Гвардейский (57,5 %), Тонкоскорлупный (54,6 %), Узбекский скороплодный (54,5 %) ҳамда юқори ёғлилик ва қандлилик Узбекский скороплодный (72,6 ва 4,6 %) ва Казахстанский (72,3 ва 4,4%) навларида бўлди.

6. Грек ёнғоғи навларидан кўнғир доғланиш (марссониноз) касаллигига чидамли Казахстанский Истиклол ва Гибридный навлари бўлиб, бир туп ва гектаридан энг юқори ҳосил Казахстанский (20,1 кг ва 18,6 ц/га), Панфиловец (19,8 кг ва 19,2 ц/га) ва Мирный (21,6 кг ва 19,4 ц/га) ва юқори рентабеллик Мирный (152,7 %), Панфиловец (150,6 %), Казахстанский (144,3 %) навларида эканлиги аниқланди.

7. Грек ёнғоғи уруғ меваларига баҳорда уруғни стратификациялаб экишда фаол фойдали ҳарорат 80,7°C (ҳаво) ва 48,5°C (тупроқ) бўлганда 40 кунда (20/IV) ёки 84,2 % уруғ ниҳоллар униб чиққан бўлса, турли меъёрларда ўғитлашда энг эрта униб чиқиши “Идеал” навини фаол фойдали ҳарорат 68,5°C ва 48,5°C да апрел ойининг 3-декадасида эканлиги аниқланди.

8. Грек ёнғоғи кўчатларини N₆₀P₃₀K₁₅ кг/га + маҳаллий ўғит (10 т) меъёрида ўғитлаб етиштирилганда “Идеал” нави кўчатларини ўқ (88,4 см), иккаламчи (45,9 см), учламчи (22,1 см) ва ён (19,4 см) илдизлари узунлиги ҳамда иккаламчи (21,5 дона), учламчи (14,1 дона) ва ён (34,6 дона) илдиз сони бўйича юқори кўрсаткичларни намоён қилди.

9. Энг баланд бўйли кўчатларни (147,2 см) ҳамда юқори стандарт кўчат чиқиши (79,6 минг), соф даромад ва рентабеллик (658045,5 минг сўм; 477 %) “Идеал” навини гектарига N₆₀P₃₀K₁₅ кг (соф ҳолда) ва 10 тонна маҳаллий ўғит солинганда олинди.

10. Грек ёнғоғининг “Идеал” нави пайвандустини юқори тутиб кетиш микдори ҳамда энг баланд бўйли кўчатлар пайвандлашни искана усулида – 10 март (65,6 % ва 152,4 см), пўстлоқ тагига қаламча усулида – 10 май (75,3 % ва 143,4 см) ҳамда халқасимон куртак усулида – 10 август (56,5 % ва 104,78 см) муддатларида эканлиги аниқланди.

11. Ёнғоқ (*Juglans regia* L.) навларининг хўжалик-биологик хусусиятларини ўрганиш ҳамда кўчат етиштиришда ўғитларнинг таъсирини ўрганиш асосида ишлаб чиқаришга:

грек ёнғоғи тоғ ва тоғолди ҳудудларига “Казахстанский”, “Панфиловец”, “Мирный” ҳамда саноат плантацияларига “Узбекский скороплодный” навларини;

грек ёнғоғи кўчатларини етиштиришда N₆₀P₃₀K₁₅ кг/га (соф ҳолда) + маҳаллий ўғит (10 т) қўллашни;

саноат ёнғоқзор плантацияларини барпо қилишда пайвандланган кўчатлардан фойдаланишни тавсия қилинади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НАУЧНО ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ САДОВОДСТВА,
ВИНОГРАДАРСТВА И ВИНОДЕЛИЯ ИМЕНИ АКАДЕМИКА
М.МИРЗАЕВА**

АКБАРАЛИЕВ ИСЛОМБЕК РАХИМБЕРДИЕВИЧ

**ИЗУЧЕНИЕ ХОЗЯЙСТВЕННО-БИОЛОГИЧЕСКИХ ОСОБЕННОСТЕЙ
СОРТОВ ОРЕХА ГРЕЦКОГО (*Juglans regia* L.) И ВЛИЯНИЕ
УДОБРЕНИЙ НА ВЫРАЩИВАНИЕ САЖЕНЦЫ**

06.01.07 – Плодоводство и виноградарство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.1.PHD/Qx733.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте садоводства, виноградарства и виноделия им. академика Махмуда Мирзаева.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный консультант:	Исламов Сохиб Яхшибекович доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Официальные оппоненты:	Султопов Камолитдин Садриддинович доктор сельскохозяйственных наук, профессор Жураев Эркин Бахтиёрвич доктор философии по сельскохозяйственным наукам
Ведущая организация:	Научно-исследовательский институт лесного хозяйства

Защита диссертации состоится 30 август 2023 года в 9:00 часов на заседании Научного совета DSc.05/29.04.2022.Qx13.04 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, 2-дом. Тел.: (+99871)260-48-00; факс: (+99871)260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, конференцзал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована за номером 549153). (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, 2-дом. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан 16 августа 2023 года.
(реестр протокола рассылки 51 от 9 августа 2023 года).



Э.Т.Бердиев
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней, д.с.х.в.,
профессор

М.З.Холмуратов
Член секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, д.ф.с.х.и.,
доктор

С.А.Юнусов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению учёных
степеней, д.с.х.и., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Орех грецкий (*Juglans regia* L.) является одной из широкораспространенных по всему миру сельскохозяйственных культур, которая выращивается в умеренных и субтропических климатических зонах. По данным ФАО, в мире по производству 3758,6 тыс. тонн ореха грецкого доля Азии составляет – 58,1 %, Америки – 25,8 % и Европы – 14,7 %, основными странами-производителями считаются Китай (1 785,9 тыс. т.), США (607,8 тыс. т.), Иран (405,3 тыс. т.), Турция (190,0 тыс. т.), Мексика (141,8 тыс. т.), Украина (107,9 тыс. т.) и Чили (73,5 тыс. т.)². В Узбекистане в 2022 году общая площадь под грецкий орех составила 13,2 тыс. гектаров, валовый урожай – 55 497 тонн и урожайность – 9,4 т/га.

В мире в области расширения ассортимента сортов грецкого ореха, а также обеспечения продовольственных и перерабатывающих предприятий сырьём проводятся научные исследования по выведению в США промышленных низкорослых сортов, в Китае и Иране – крупноплодных сортов, в России, Киргизии, Грузии, Армении – холодостойких и урожайных сортов, а также по технологии выращивания плодов и саженцев.

В настоящее время в нашей республике разработан ряд планов, предусматривающих стратегический подход к полному удовлетворению спроса промышленности и населения к грецкому ореху, в частности, реализуются работы по закладке новых ореховых плантаций в горных и предгорных районах на промышленной основе. Однако, при расширении площадей под ореховыми плантациями и увеличении их урожайности на основе интенсивных технологий следует уделять особое внимание агротехнике. В Указе Президента Республики Узбекистан УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистан на 2022-2026 годы» от 28 января 2022 года уделяется особое внимание “увеличению доходов дехканских и фермерских хозяйств не менее чем в 2 раза путем интенсивного развития сельского хозяйства на научной основе, доведению ежегодного прироста сельского хозяйства не менее чем до 5%, особенно, доведению к 2026 году объема пищевой продукции до 7,4 млн. тонн, уровень переработки по плодоовощеводству – до 28%», на основе основных показателей и индикаторов намечается увеличение площадей под орехоплодные (фисташка, орех) с 11634 гектаров в 2021 году до 10%, в 2025 году – до 15 % и 2030 году – до 18%. В этом плане, расширение ассортимента сортов грецкого ореха, подбор высокоурожайных сортов и совершенствование технологии их выращивания в Узбекистане являются актуальным научным направлением.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит реализации задач, намеченных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-5388 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию плодоовощеводства в Республике Узбекистан»³ от 29 марта 2018 года;

² FAOSTAT Statistics Database. FAO, Rome, Italy. <http://www.fao.org>.

³ <https://lex.uz/uz/pdfs/3604601>

постановлении ПП-3025 «О создании и организации деятельности ассоциации производителей и экспортеров грецкого ореха»⁴ от 1 июня 2017 года и ПП-4549 «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию плодоовощеводства и виноградарства, созданию в отрасли цепочки добавленной стоимости»⁵ от 11 декабря 2019 года, а также, в других нормативно-правовых актах, принятых в данной сфере.

Связь исследования с основными приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

